

2018-12-20 08:13

Уюшма бошқарув Кенгашининг йиғилиши тўғрисида маълумотлар.

Кенгаш раиси: Файзиев Зафар Омонович

Қуйидагилар Уюшманинг бошқарув органлари ҳисобланади:

Уюшма таъсисчиларининг Умумий йиғилиш;

Уюшма бошқаруви;

Тафтиш комиссияси;

-Уюшма таъсисчиларининг Умумий йиғилиш (кейинги ўринларда матнда “Умумий йиғилиш” деб юритилади) Уюшманинг олий бошқарув органи ҳисобланади.

-Умумий йиғилиш Уюшмани ташкил этиш ва унинг фаолиятининг исталган масаласи бўйича қарор қабул қилишга ҳақлидир.

-Умумий йиғилишнинг мутлак ваколатига қуйидагилар киради:

Уюшма уставига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш;

Уюшма фаолияти йўналишларини белгилаш;

Уюшма бошқаруви Раисини тайинлаш, унинг мазкур Уставда ва Уюшма Таъсис шартномасида белгиланмаган ваколатларини белгилаш;

Уюшма мол-мулкини шакллантириш ва ундан фойдаланиш принципларини белгилаш;

Уюшмага аъзоликка қабул қилиш тартибини белгилаш;

кириш ва аъзолик бадаллари миқдорларини ва уларни тўлаш муддатларини белгилаш;

Уюшма Тафтиш комиссияси аъзоларини тасдиқлаш, улар ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;

Уюшмани қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

-Навбатдаги умумий йиғилишлар Уюшма бошқаруви томонидан ҳар йили Уюшманинг Умумий йиғилиш томонидан белгиланадиган муддатларда чақирилади.

-Навбатдан ташқари умумий йиғилишлар тафтиш комиссиясининг ташаббусига кўра ёки Уюшма муассисларининг камида учдан бирининг талаби бўйича чақирилади.

-Навбатдан ташқари умумий йиғилишларни чақириш тўғрисидаги таклиф кўриб чиқилиши керак бўлган масалалар ва Умумий йиғилишни тайёрлаш учун зарур бўлган вақт ҳисобга олиниб сана кўрсатилган ҳолда Уюшма бошқаруви Раисига ёзма шаклда юборилади. Навбатдан ташқари умумий йиғилиш чақириш тўғрисидаги таклифда кўрсатилган санадан 45 кундан кечикмай чақирилиши керак.

-Умумий йиғилишни чақириш ва уни ўтказишнинг ташкилий таъминланиши Уюшма бошқаруви Раиси томонидан амалга оширилади.

-Уюшма муассислари Умумий йиғилиш чақирилиши тўғрисида кун тартиби лойихаси, шунингдек умумий йиғилиш ўтказиладиган жой ва вақт кўрсатилган ҳолда у ўтказиладиган кундан камида 30 кун олдин ёзма равишда хабардор қилинади.

-Умумий йиғилиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва Уюшманинг Таъсис

ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади. қонунчиликда ва Уюшманинг Таъсис ҳужжатларида тартибга солинмаган масалалар юзасидан умумий йиғилишни ўтказиш тартиби Умумий йиғилиш қарори билан белгиланади.

-Умумий йиғилиш очилишидан олдин Уюшма муассисларининг етиб келган вакиллари рўйхатдан ўтказилади.

-Уюшма таъсисчиларининг вакиллари уларнинг тегишли ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни кўрсатишлари зарур. Уюшма таъсисчиси вакили берилган ишончнома асосида катнашаётган бўлса, ишончномада тегишли маълумотлар мавжуд бўлиши (исми ёки номи, яшаш ва турар жойи, паспортига оид маълумотлар) ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ расмийлаштирилган бўлиши керак.

- Уюшма таъсисчисининг рўйхатдан ўтказилмаган вакили овоз беришда катнашишга ҳақли эмас.

-Умумий йиғилиш ишига Уюшма Умумий йиғилиш томонидан сайланадиган Раис раҳбарлик қилади. Умумий йиғилиш, агар мажлисда Уюшма муассисларининг камида 60 фоизи катнашса, қарор қабул қилишга ҳуқуқий ваколатлидир. Агар зарур қворум тўпланмаса, Раис Умумий йиғилиш ўтказилишини 40 кундан ортиқ бўлмаган бошқа кунга кўчиради.

-Умумий йиғилиш қарорлари Уюшманинг мажлисда катнашаётган муассислари вакилларининг овоз бериши билан қабул қилинади. Хар бир таъсисчи бир овозга эга бўлади. Умумий йиғилиш қарорлари баённома билан расмийлаштирилади ҳамда Умумий йиғилишнинг Раиси ва Котиби томонидан имзоланади. Умумий йиғилишнинг мутлак ваколатига тегишли бўлган таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш, тугатиш ва қайта ташкил этиш масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун Уюшманинг мажлисда катнашаётган муассислари вакиллари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози зарур.

-Колган масалалар бўйича қарорлар Уюшманинг мажлисда катнашаётган муассисларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб колган тақдирда, умумий йиғилиш раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

-Уюшма муассислари Умумий йиғилишнинг қарори сиртки овоз бериш орқали (сўров йўли билан) йиғилиш ўтказилмасдан қабул қилиниши мумкин. Бундай овоз бериш почта, телеграф, факс, телефон, электрон ёки берилаётган ва қабул қилинаётган хабарларнинг айнанлигини ва уларнинг ҳужжатлар билан тасдиқланишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситасида ҳужжатларни айирбошлаш йўли билан ўтказилиши мумкин.

-Уюшма муассислари Умумий йиғилишнинг Йиллик ҳисоботлар ва йиллик бухгалтерия балансини тасдиқлаш масаласи бўйича қарори сиртдан овоз бериш орқали (сўров йўли билан) қабул қилиниши мумкин эмас.

-Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорлар Уюшманинг барча муассислари эътиборига етказилади ва бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

-Уюшма фаолиятини жорий бошқариш Ижро этувчи орган (Уюшма Бошқаруви) томонидан амалга оширилади.

Бошқарув Уюшманинг коллегиял ижроия органи ҳисобланади ва уч кишидан иборат. Бошқарув фаолиятига умумий йиғилиш томонидан сайланадиган уюшма бошқарув раиси раҳбарлик қилади. Бошқарув ваколатига Уюшманинг жорий фаолияти раҳбарлигининг барча масалалари қиради, Уюшма муассислари Умумий йиғилишнинг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

Бошқарув Уюшма муассислари Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ўз вақтида амалга оширади ва бажарилишини таъминлайди.

Кенгаш йиғилишлари ва таркиби

“Ўзбекизоқиқовқатзахира” уюшмаси сайтида нашр этилган (<https://uzsavdo.uz>)

Уюшма бошқаруви Раиси бир нафар ўринбосарга эга бўлади. Бошқарув Раиси ва унинг ўринбосари Уюшманинг Умумий йиғилиш томонидан сайланади.

Бошқарув мажлисларини ўтказишни унинг Раиси ташкил этади, у Уюшма номидан барча ҳужжатларни ҳамда Бошқарув мажлиси баённомаларини имзолайди, Бошқарувни ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ ишончномасиз Уюшма номидан иш юритади.

-Бошқарув Раисининг ваколатларига қуйидагилар тегишли бўлади:

Уюшма фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

Устав қоидалари ва Умумий йиғилиш қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

Уюшма фаолиятини ҳуқуқий ва маъмурий-хўжалик жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш;

Уюшма умумий йиғилиш томонидан тасдиқланган дастурлар, лойиҳалар ва тадбирларни молиялаштириш учун маблағ жалб этилишини ташкил этиш;

Уюшма филиаллари ва ваколатхоналари фаолиятини бошқариш, уларнинг йиллик ҳисоботларини тасдиқлаш;

маъмурий-хўжалик харажатлари сметасини тасдиқлаш;

Уюшманинг штатдаги ходимлари, филиаллари ва ваколатхоналари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини белгилаш;

Уюшманинг штатдаги ходимларини, Уюшма филиаллари ва ваколатхоналари ходимларини Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳақидаги қонунларига мувофиқ ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, уларга нисбатан раҳбатлантириш ва жазолаш чораларини кўриш, ходимларни контрактлар ва пудрат шартномалари бўйича ишга қабул қилиш.

буйруқлар, фармойишлар чиқариш, йўриқномаларни, ички меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлаш, ишончномалар бериш;

ишчи гуруҳларни ва вақтинчалик ижодий жамоаларни шакллантириш, Уюшма дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқишда катнашиш учун экспертларни жалб этиш;

банк муассасаларида Уюшманинг ҳисобварақларини очиш, олинган кредитларни ваколати доирасида тасарруф этиш, Уюшманинг мол-мулки ва молиявий маблағларини ваколати доирасида тасарруф этиш, шунингдек тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида Уюшманинг жорий харажатларини амалга ошириш;

Уюшма номидан ишончномасиз иш кўриш ва Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан муносабатларда ва чет элда унинг манфаатларини ифодалаш, Уюшма номидан шартномалар, битимлар ва бошқа битишувлар тузиш.

Уюшма Бошқарув Раисининг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари у билан олдиндан тузиладиган контрактда келишиб олинади.

Бошқарув Раиси мажбуриятларни тақсимлашда ўринбосарига ваколатларининг бир қисмини бериш ҳуқуқига эга.

Бошқарув Раиси Уюшма фаолиятининг бошқа масалаларини ҳам ҳал этишга ҳақлидир, Умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатига тегишли масалалар бундан мустасно.